

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси директори в.в.б – танлов комиссияси раиси

**Р.Бобоев**

2022 йил “ 27 ” октябрь

Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси танлов комиссияси йиғилишининг

7 - сон

БАЁННОМАСИ

2022 йил “ 27 ” октябрь

Тошкент ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

Р.Бобоев	“Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУК директори в.в.б.танлов комиссияси раиси
А.Мурадов	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси молия бошқарма бошлиғи, танлов комиссияси раиси ўринбосари
Н.Холиқов	“Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУК бош ҳисобчиси.
Б.Эргашов	“Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУК бош юрисконсулти.
Э.Набиев	“Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУК бўлим бошлиғи.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси “Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУКнинг 2 та лойиҳа-смета ҳужжатларини (Қашқадарё вилояти, Ғузур туманидаги, Қорақамар массивида жойлашган маҳсуе объектини консервация қилиш ва Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги “Сазағон” маҳсуе объектини консервация қилиш) экспертиза қилиш хизмати учун танлов натижаларини қўриб чиқиш

(Бобоев, Мурадов, Холиқов, Эргашов, Набиев, Бобоев)

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси - “Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУК бош ҳисобчиси (Холиқов) сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси “Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУКнинг 2 та лойиҳа-смета ҳужжатларини (Қашқадарё вилояти, Ғузур туманидаги, Қорақамар массивида жойлашган маҳсуе объектини консервация қилиш ва Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги “Сазағон” маҳсуе объектини консервация қилиш) экспертиза

қилиш хизмати шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси “Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУКнинг dxarid.uzex.uz сайтида 2022 йил 27 июлдаги 165248-сонли лот ва 165127-сонли лот рақами берилган бўлиб, 2022 йил 25 август соат 18:00 да ўз ниҳоясига етганини маълум қилди. Тақдим этилган иккита қорхона тақлифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Дирекциянинг бош юрисконсульти - танлов комиссияси аъзоси Б.Эргашов ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш буйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 165248 ва 165127 - сонли лот иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 165248 ва 165127 -сонли лотларда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай тақлифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Тақлиф этилаётган нархлар қуйидагича белгиланган.

1. "SAM TEX PROECT" МЧЖ– 290 000 000 сўм, ҚҚС билан.

2. " ARCHITECTS PROJECT GROUP " МЧЖ– 336 000 000 сўм, ҚҚС билан

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги “Сазағон” махсус объектини консервация қилиш буйича "SAM TEX PROECT" МЧЖ Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги, Қорақамар массивида жойлашган махсус объектини консервация қилиш " буйича “ARCHITECTS PROJECT GROUP" МЧЖ қолиб деб топилди.


Комиссия қарор қилади:

1. Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги “Сазағон” махсус объектини консервация қилиш буйича "SAM TEX PROECT" МЧЖ Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги, Қорақамар массивида жойлашган махсус объектини консервация қилиш" буйича “ARCHITECTS PROJECT GROUP" МЧЖ шартнома тузиш кераклиги бир овоздан маъқуллансин.

2 Ушбу баённома ижроси “Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУК бош ҳисобчиси (Ҳолиқов) зиммасига юклатилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:


Р.Бобоев




Б.Эргашов



А.Мурадов



Э.Набиев



Н.Ҳолиқов



**Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
ШАРТНОМА № 5**

2022 йил « 28 » октябрь

Тошкент шаҳри

“Бионолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси директори в.в.б. Р.Бобоев Устав асосида иш юритувчи кейинчалик «Буюртмачи» деб юритилувчи бир томондан ва "SAM TEX PROECT" МЧЖ (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Г.У.Каримов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ Сирдарё вилояти Хаваст тумани "Сазагон" махсус объектини консервация қилиш бўйича лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар кўрсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 2022 йил 28 октябрь;

Ишни якунлаш: 2022 йил 28 ноябрь.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” томонидан бажариладиган ишлар, Етендер.узех.уз порталидаги электрон эълондаги танлов натижасида аниқланган ва 2022 йил 24 октябрда харид комиссиясининг (165127-сонли танлов лоти бўйича харид комиссиясининг баённомаси) баённомаси қарорига асосан ҚҚС билан 290 000 000 (икки юз тўқсон миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Бажарувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Бажарувчи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. Сирдарё вилояти Хаваст тумани "Сазагон" махсус объектини консервация қилиш бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Бажарувчи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Бажарувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Бажарувчига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Бажарувчига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин қачиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Бажарувчини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Бажарувчига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Бажарувчига тўлаб беради.

4.1.3. Бажарувчидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Бажарувчининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Бажарувчини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Бажарувчига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолангандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Бажарувчини жалб қилиш.

4.2. Бажарувчининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Бажарувчи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Бажарувчидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- Бажарувчи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Бажарувчи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча қўрилган молиявий зарарлар қопланишини Бажарувчидан талаб қилиш.

- «Бажарувчи» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига қушимча иш ҳажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қўйилади.

4.4. Бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма руҳсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Бажарувчи қафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Бажарувчи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Бажарувчи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Бажарувчи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шarti билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

7. Шартномани ўзгартриш ва тугатиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни хал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошқармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Бажарувчида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

БАЖАРУВЧИ:

“Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” ДУК
Тошкент ш., Бунёдкор, 7 “А” уй.
ИНН: 203 858 625

Банк: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги
Амалиёт бошқармаси

х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014

СТИР: 201122919, ОКЭД 70220

Л/с: 100010860262947056801144004

Директор В.В.Б.  Р.Бобоев



"SAM TEX PROEKT" МЧЖ
Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй.

Х/р: 2020 8000 0052 5803 5001;

Bank: Ориент Финанс Банк
Самарқанд филиали. МФО: 01111;
ИНН: 307590568; ОКЭД: 71120;
tel: +998-93-357-57-67;

Директор  Т.У.Каримов



ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА:


Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мослигини беради.

Ҳуқуқий экспертиза натижасига кўра қўйидагилар аниқланди:

1. Шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Такдим этилаётган лойиха шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома бўйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 686-708-моддалари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома бўйича тарафларнинг ўз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Бош юрисконсулт



Б.Я. Эргашов